Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№82 (431)
2020 йил 20 октябрь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ УЗОҚ МУДДАТЛИ ИСТИҚБОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 октябрь куни маслаҳатчи Сума Чакрабарти иштирокида мамлакатимиздаислоҳотлар дастурини узоқ муддатли истиқболда давом эттиришнинг стратегик йўналишларини кўриб чиқди.

Чуқур ва ҳар томонлама таҳлил асосида, илғор халқаро амалиёт ва тажрибани ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ва янгиланишларни самарали давом эттиришни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатдошлигини ошириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва бошқарув кадрлари сифатини тубдан ошириш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

# 2021 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 октябрь куни 2021 йилга мўлжалланган давлат бюджети параметрлари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Коронавирус пандемияси кўпгина режаларга жиддий таъсир кўрсатди. Лекин қабул қилинган қарорлар ва ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида жорий йилги бюджет параметрлари ижроси таъминланмоқда. Бу эса пандемия оқибатларини бартараф этишга 13,4 триллион сўм маблағ йўналтиришга имкон берди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йилги бюджетни режалаштиришда пандемиянинг давом этиши, жаҳондаги иқтисодий фаоллик пасайишини инобатга олиш кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда макроиқтисодий барқарорлик ва белгиланган бюджет тушумларини тўлиқ таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Бунинг учун 2021 йили иқтисодиётда камида 5,1 фоиз, жумладан, саноатда 5,8 фоиз, хизматлар ва қурилишда 6,5 фоиздан ўсишга эришиш керак бўлади. Инфляция даражаси ва бюджет дефицитини прогноз кўрсаткичларидан оширмаслик ҳам муҳим.

Мутасаддиларга ушбу вазифалар бўйича топшириқлар берилди. Яширин иқтисодиётни қисқартириш ҳамда 600 минг иш ўрнини легаллаштириш, 53 та идоранинг маълумотлар базасини интеграция қилиш, маркировка қўлланиладиган маҳсулотлар турини кенгайтириш ҳисобига бюджетга қўшимча маблағлар тушириш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Йирик корхоналарда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳам режалаштирилмоқда. Мисол учун, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаш ҳамда ҳисоб-китобни тўғри йўлга қўйиш орқали акциз солиғидан қўшимча 500 миллиард сўм маблағ тушириш имкони мавжуд. Шу билан бирга, электр энергияси билан ички бозордаги эҳтиёжни узлуксиз таъминлаш ҳисобига қўшилган қиймат солиғидан қўшимча 250 миллиард сўм бюджетга даромад тушиши кутилмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг бекиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Сўнгги йилларда Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг ўлмас асарларини юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*



*Мажмуа лойиҳаси.*

# ТОШКЕНТДА «ҚУРУВЧИЛАР МАССИВИ» БАРПО ЭТИЛМОҚДА

**Тошкентда илк бора ташкил этилаётган «Қурувчилар массиви» тизимга етук мутахассислар тайёрлаб бериш, соҳани янада ривожлантиришда асосий пойдевор вазифасини ўташи шубҳасиз.**

Президентимиз шу йилнинг 16 октябрь куни пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларида бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш давомида барпо этилаётган Тошкент архитектура-қурилиш институтининг янги биносини ҳам бориб кўрди. Қурилиш ишлари жорий йил июль ойида бошланган бўлиб, тез фурсатларда бу ерда 5 қаватли иккита ўқув корпуси, 8 қаватли маъмурий бино ва 4 қаватли ётоқхона қад кўтаради.

– Кейинги йилларда мамлакатимизда қурилиш соҳаси ривожланди, катта-катта иншоотлар, заводлар, уйлар барпо этилмоқда. Лекин ким лойиҳа қиляпти, ким қуряпти, қандай қуряпти, деган саволлар кўндаланг турибди. Бу ерда замонавий қурилиш индустриясига мос юқори малакали мутахассислар тайёрланиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари институт ёнидаги 8-автобус саройини ҳам кириб кўрди. Бу автопаркни бошқа жойга кўчириб, замонавий шарт-шароитлар яратиб бериш, унинг ўрнида қурилиш материаллари бўйича илмий-тадқиқот маркази ташкил этиш таклифи билдирилди.

– Бу ҳудуд «Қурувчилар массиви» бўлиши керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистонда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгиланиб, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Бунинг учун олий таълим модернизация қилиниб, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

– Ҳозирда 10 та мутахассислик бўйича лабароториялар олиб келинган бўлиб, ушбу ускуналар Германия, Хитой ҳамда Япониянинг лабаротория жиҳозларидан таркиб топган, – дейди институт ректори Равшан Ҳакимов. – Ушбу лабароториялардан унумли фойдаланиш борасидаги чора-тадбирларни бошлаб юборганмиз. Давлатимиз раҳбари институтнинг янги қурилаётган биносига ташриф буюриши асносида бир қатор тавсияларни берди. Жумладан, олий таълим даргоҳининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш, келажакда талабаларнинг сифатли билим олишлари учун шарт-шароитларни яратиш, уларнинг илмий салоҳиятини янада оширишга қаратилган чораларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Албатта, ҳар бир соҳада рағбат ва яратилган шарт-шароит ҳамда имконият бирламчи ўринда туради. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилаётган «Қурувчилар массиви» ҳам ана шу каби талабларга жавоб беради. Бу ерда талабаларнинг сифатли билим эгаллаши, олган назарий билимларини амалий жиҳатдан мукаммлаштириб боришлари учун барча зарур шароитлар муҳайё этилади. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг таклифига кўра, институтнинг янги қурилаётган биноси ҳудудида қурилиш материлаллари бўйича илмий тадқиқот маркази ҳам ташкил этилиши режалаштирилган. Институт профессор-ўқитувчилари, илмий-тадқиқот маркази педагоглари, уларнинг оилалари учун ижтимоий объектлар ҳам барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари институнинг янги биносига ташрифи давомида талабалар сифатли билим олиши, илмий салоҳиятини кўтариш бўйича бир қатор топшириқлар берди. Ривожланган мамлакатларнинг таълим жараёнларини пухта ўрганган ҳолда таклифларни тайёрлаш, ўқув лабораторияларини кенгайтириш мақсад қилиб қўйилди.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

21 ОКТЯБРЬ – «ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ»

# ТИЛИМИЗ СОФЛИГИГА ЭЪТИБОР

**Ҳар бир миллатнинг қадрияти, маънавияти, қолаверса миллат сифатида дунё ҳамжамиятида нечоғли ўринга эгалигини англатувчи Она тилига улуғ аждодларимиз гўзал таърифлар беришган. Юсуф Хос Ҳожиб: «Одобнинг боши тилдир» деб ёзган бўлса, Ҳазрат Алишер Навоий бу тилда «Хамса»ни битиб, ўзбек тилини юксакларга кўтарган ва ўз асарида: «Тилга эътибор – элга эътибор» дея туркий тилни улуғлаган.**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда она тилимиз қадрини, қаддини юксалтиришда самарали ишлар олиб борилмоқда. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кунни, яъни 21 октябрь – «Ўзбек тили байрами куни» этиб белгилангани тилимиз ривожи, уни софлигини сақлаш йўлида амалга оширилаётган ишларни янги бир босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тизимида ҳам, аввало, хат-ҳужжатлар, фуқароларга бериладиган маълумотномалар, қўйингки, барчаси давлат тилида бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эътиборлиси, бу каби эзгу ишлар фақат пойтахт билан чекланмай, республикамизнинг энг чекка жойларидаги ҳудудий тизим ташкилотларида ҳам оммалаштирилмоқда.

Бунда, айниқса, қурилиш объектлари паспортларини ўзбекчалаштиришдаги ишларни алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Чунки сўнгги йилларда мамлакатимизда замонавий ва кўплаб қулайликларга эга шаҳарчалар, бино-иншоотлар қад ростламоқда. Бироқ уларнинг номланишини тўлиқ давлат тилида деб айта олмаймиз.

Ҳар бир қурилиш иншооти аввало лойиҳадан бошланишини инобатга олсак, қурилиш объектлари паспортларининг давлат тилида тайёрланишига алоҳида эътибор қаратиш долзарблиги теранроқ англашилади. Шу маънода, Тошкент шаҳар қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияси билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги инспекция рўйхатидан ўтган қурилиш объектлари паспортлари ўрганиб чиқилди. Бугунги кунда 200 га яқин объектларнинг паспортлари тўлиқ давлат тилида шакллантирилишига эришилди. Мазкур йўналишдаги хайрли амаллар республикамизнинг барча ҳудудлари кесимида давом эттирилиши борасида аниқ режалар тузиб олинди.

Қолаверса, ҳар бир соҳада бўлгани каби, қурилишда ҳам атамашунослик йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилиши зарурлигини бугунги куннинг ўзи кўрсатиб турибди. Айни мақсадда Тошкент архитектура-қурилиш институти устоз- педагогларидан бири, Ўзбекистон фан арбоби, Халқаро муҳандислар академияси мухбир аъзоси, Техника фанлари доктори, профессор Эркин Қосимов муаллифлигида «Ўзбек-рус-қорақалпоқ-инглиз тилларидаги қурилиш атамалар луғати» ишлаб чиқилди ва ҳозирда янги тўпламни нашрга тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Тил миллатга, жамиятга, Ватанга дахлдор олий тушунча. Шунинг учун ҳам унинг софлигини, жозибадорлигини асраб қолишга ҳар биримиз бирдек масъулмиз. Тил масаласи, унга эътибор ва эъзоз кўрсатиш, миллат маданияти, маънавияти учун бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимизга 21 октябрь – «Ўзбек тили байрами куни» муборак бўлсин!

**Умида БОЙЗОҚОВА,**
**Қурилиш вазирининг маънавий-марифий ишлар самарадорлигини ошириш, «Давлат тили тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

**«Ўзбек тили байрами куни»га бағишланган мақолалар билан газетамизнинг 4-саҳифасида танишасиз.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№82 (431) 2020 йил 20 октябрь

# 2021 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Энергетика вазирлигига шу бўйича кўрсатмалар берилди. Транспорт вазирлигига кейинги йили қатновларни тиклаш, янги маршрутларни очиш ҳисобига бюджетга тушумларни 2019 йилдаги кўрсаткичларга етказиш вазифаси қўйилди.

Пандемия шароитида ижтимоий соҳага ажратиладиган харажатлар жорий йилга нисбатан камида 15 фоизга оширилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, кейинги йилда мактабгача таълим қамрови даражасини 70 фоизга, бунда хусусий сектор улушини 25 фоизга етказиш мақсад қилинган. Халқ таълими вазирлигига бюджетдан ажратмалар 16 фоизга оширилади. Мактабларни тезкор интернетга улаш бўйича биринчи марта бюджетдан 100 миллиард сўм, жиҳозлашга 200 миллиард сўм йўналтириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, илм-фанни ривожлантириш концепцияси доирасида келгуси йили Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига бюджетдан 2 баравар кўп маблағ ёки 100 миллиард сўм ажратилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасига қарийб 20 триллион сўм, шундан коронавирусга қарши курашиш тадбирлари учун 3 триллион сўм ҳамда дори-дармон харидига 1,8 триллион сўм белгиланиши кўзда тутилган.

Илк бора онкогематологияга қарийб 90 миллиард сўм ажратилмоқда. Шунингдек, тамаки савдосидан олинган акциз солиғининг 7 фоизи Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасига ўтказиб берилади. Шу билан бирга, келгуси йилда биринчи марта гемодиализга муҳтож касалларга тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини 100 фоизга етказиш учун 130 миллиард сўм йўналтирилади.

Йиғилишда камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий нафақа олувчи муҳтож оилалар сони жорий йил бошига нисбатан 2 бараварга оширилиши белгиланди. Келгуси йил 1 январдан ягона ижтимоий реестрни барча ҳудудларда ишга тушириб, ижтимоий нафақалар ажратиш тизимини тўлиқ автоматлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Тадбиркорлик дастурлари доирасида 3 триллион сўмдан ортиқ субсидиялар берилиши мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Жамоат ишлари жамғармасига 250 миллиард сўмдан маблағ йўналтириш режалаштирилган.

Янги иш ўринлари очиш ва аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ҳисобига кам таъминланганлар сонини қисқартириш зарурлиги таъкидланди.

Яна бир муҳим жиҳат – келгуси йили чин етим болаларни уй-жой билан таъминлаш учун бюджетдан биринчи маротаба 30 миллиард сўм ажратилиши белгиланган. Мутасаддиларга бу борада янги тартиб ва рўйхатлар ишлаб чиқиш топширилди.

Бюджетни шакллантиришда маҳаллий кенгашлар ваколатларини янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Ҳудудлар ўзи учун қўшимча резервларни аниқлаши, уларнинг ҳисобига жойлардаги муаммоларни ҳал қилишга ўрганишлари мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев бюджет харажатлари очиқ-ошкора бўлиши, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар унинг ҳар бир сўмини оқилона сарфлаши кераклигини таъкидлади.

Яна бир муҳим масала – молиявий интизом ва назоратни кучайтириш. Молия вазирлигига ташкилотларда ички аудит тизимини мустаҳкамлаш, ноқонуний харажатлар ва камомадларга йўл қўймаслик бўйича кўрсатмалар берилди.

Бундан буён харажатлар таркиби ва натижадорлиги давлат идораларининг расмий сайтларида эълон қилиш тартиби жорий этилади ва бунга амал қилмаган раҳбарларга жарима қўлланилади. Буни Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий кенгашлар назорат қилади.

Бош вазир ўринбосарларига кейинги йил учун марказлашган, хорижий ва хусусий инвестиция дастурларини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда мутасаддилар жорий йил якунигача ва келгуси йилда бюджет кўрсаткичларини таъминлаш бўйича мавжуд хавф-хатарлар ва уларни бартараф этиш борасида қилинаётган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

**ЎзА.**

БУ ҲАҚИДА ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИДА ГАПИРИЛГАНДИ

# Олти ойлик орзу олти кунда ушалди

**Жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан шу йилнинг 8 октябрида Президентимиз раислигида видеоселектор йиғилиши ўтказилганди.**

Унда хотин-қизлар ва ёшлар аҳолининг катта қисмини ташкил этиши, шунга қарамасдан уларнинг меҳнат ҳамда ишлаб чиқаришдаги бандлиги, доимий иш билан таъминланмаётгани, ана шу йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш чоралари тўғрисида батафсил фикр юритилди. Жойларда бу долзарб масалага тегишли мутасаддилар қандай чоралар кўришмоқда?

Пойтахт вилоятининг Қуйи Чирчиқ тумани аҳоли сони жиҳатдан катта ҳудудлардан бири. Азалдан агросаноат мажмуига кенг ихтисослашган бўлса-да, кейинги йиллардаги изчил ислоҳотлар туфайли бу жойларда саноат тармоқлари ҳам бирин-кетин ишга тушириляпти. Айни пайтда туман маркази – Дўстобод шаҳарчаси ва 37 та маҳаллаларнинг деярли барчасида қурилишбоп материаллар, ҳунармандчилик, кулолчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қайта ишлов бериш каби соҳалар фаолияти шакллантирилган ва уларда кўпчилик ёшлар меҳнат қилишмоқда.

Бироқ бу ҳали мақсадга эришилди, дегани эмас. Негаки, ҳудудда 110 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Улардан 52 918 нафари хотин-қизлар экани инобатга олинса, демак, туманда ҳали ечимини кутаётган муаммолар анчагина экани яққол аён бўлади. Бу борадаги аҳволни ўнглашда давлатимиз раҳбарининг видеоселектор йиғилишида киритган таклифлари дастуриламал бўлмоқда. Шу ўринда бир мисолга эътибор қаратмоқчимиз.

Тумандаги маҳаллалардан бирида яшовчи Н. Жонтўраева ўзи жамғарган маблағи ҳисобига тадбиркорлик қилиш ниятида иш бошлайди. Аммо сармояси камлик қилгач, зарур ҳужжатларни тўплаб тегишли ташкилотларга мурожаат этган бўлса-да, керакли маблағни олти ойдан буён ололмаётган эди. Видеоселектор йиғилишидан олти кун ўтгач, туман тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказининг ёрдами билан мақсадига эришди. Бугунги кунда у чорвачиликни ривожлантиришга астойдил киришган, шу билан бирга, безнес режасида беш нафар кишини доимий иш билан таъминламоқчи.

– Видеоселекторда хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида Президентимиз қайд этган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан билдирган таклифлари барчамизни мудроқликдан уйғотиб, масъулиятимизни янада оширди, – деди Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш маркази бошлиғи А. Сулаймонов. – Тўғриси, ҳудудимиздаги аҳолининг асосий қисми хотин-қизлар ва ёшлардан иборат. Бу ўз-ўзидан уларга етарлича шароитлар яратиб беришни тақозо қилади. Шу сабабли уюшмаган ёшлар ва хотин-қизларни тўплаб семинар ўтказдик. Вақтинчалик ишсизлар аниқланиб, марказ ҳамда ҳокимият ҳисобидан уларни ихтисосликлар бўйича ўқитишга эътибор қаратиляпти.

Асосий мақсадимиз тадбиркорлик билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ҳозирги кунгача бундайлар 40 нафарга етди. Яқинда улардан бири – қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сандрон керамика» кўп тармоқли корхонаси раҳбари марказимизга мурожаат қилиб, сотилган маҳсулотларининг маблағини ололмаётгани, бу эса ишлаб чиқаришга ёмон таъсир қилаётганини айтди. Амалдаги қонунлар бўйича иш тутганимиз сабабли барча қарзлар бир кун ичида ундириб берилди.

Яна бир тадбиркор А. Зиёдуллаев бир неча ой олдин хориж технологиясини олиб келиб, томчилатиб суғоришни йўлга қўйиш ташаббуси билан чиққан, лекин турли баҳоналар кўпайиб, иш орқага сурилаётганди. Қаранг, ойлар давомида битмаган иш видеоселектордан сўнг ҳеч вақт ўтмасдан ечим топадиган бўлди. Булардан ташқари, энди фаолиятини бошлаб, марказимизга мурожаат қилган хотин-қизлардан бир неча нафарига 300 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашилди.

## ХОМУШ ҲОЛДА КЕЛГАНДИ, ҚУВНАБ ЧИҚИБ КЕТДИ

Ёшлар ва хотин-қизларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган манзилли дастур ижросини таъминлаш барчамиздан катта масъулият талаб этади. Зеро, мустақил давлатимизнинг бош шиорларидан бири ҳар бир фуқаро бу ҳаётдан рози бўлиб яшашини ўзида мужассамлаштирган. Бироқ беш қўл баравар эмас экан. Қайсидир оилада моддий жиҳатдан етишмовчиликлар бўлиши мумкин. Шундай пайтда уларга эътибор бермаслик одамийликка тўғри келмаса керак. Тўртинчи йилдирки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан секторлар фаолияти йўлга қўйилган. Уларнинг аҳоли орасига чуқур кириб бораётгани туфайли жуда кўплаб муаммолар ўз ўрнида ечим топмоқда. Қуйи Чирчиқ тумани ҳам ана шундай муаммолардан холи эмасди. Секторлар ва бошқа ташкилотларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги қатъий шакллантирилгани боис одамлар доимий меҳнатга банд бўлишмоқда, оилалардаги нуқсон ҳамда етишмовчиликлар бартараф этиляпти.

Яқинда тўртта сектордагиларнинг ҳамкорликда маҳаллалардан бирида фуқаролар билан ўтказган учрашувида йиғлаб кирган аёл тадбир қатнашчиларининг эътиборини тортди. Кейинроқ маълум бўлишича, оилавий шароити оғир, ўзи чеварчиликда ҳунари бўлиб, сармояси йўқлигидан нима қиларини билмай юрган экан. Шу куни унга ва яна беш нафар аёлга замонавий тикиш машинаси ҳамда ишни бошлаб олишига етарлича хомашё совға қилинди.

Шунингдек, анча вақтдан буён тўшакда ётиб қолган аёлнинг хонадонига ташриф буюрилиб, унга зарур дори-дармонлардан ёрдам қилиниб, муолажалари учун алоҳида шифокор тайинланди ва ногиронлик аравачаси билан таъминланди. Боқувчисини йўқотган, қарамоғида ҳеч кими йўқ, кам таъминланган оилалардан еттитасининг уй-жойлари ҳашар уюштирилиб, таъмирлаб берилди. Айни пайтда туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича мутасаддиси бошчилигида алоҳида гуруҳлар тузилган бўлиб, улар 37 та маҳаллаларга бўлинган. Йиғим-терим мавсумига қарамай, ҳар куни ана шу гуруҳдагилар хонадонларга кириб, яшовчиларнинг қандай ишлар билан бандлиги ва муаммоларини ўрганиб, кечки пайт ҳисобот беришади, шунга қараб уларни ҳал этишга киришилади. Ишнинг шу йўналишда ташкиллаштирилгани ишсизлар сонини ўрганиш баробарида янги иш ўринларини яратишга имкон беряпти.

## УЧ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ КЎП ЭКАН

Улғайиб келаётган ёшлар келажагимизни ҳал этади. Шунинг учун ҳам давлатимиз уларнинг касб-ҳунар ўрганишларига, бандлигини таъминлаш-у, етарлича шароитлар яратиб берилишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу долзарб вазифаларни бажаришда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг айниқса, ўз ўрни бўлиши керак. Қуйи Чирчиқ туманида бўлганимизда, ана шу марказнинг фаолияти билан ҳам қизиқдик. «Аҳолини иш билан таъминлаш» дастурига кўра, жорий йилнинг ўтган ойларида 2 793 нафар фуқаро доимий иш сўраб мурожаат қилган. Уларнинг 1 547 нафари 18-30 ёшдаги хотин-қизларни ташкил этади. Бу жойдаги мутахассисларнинг қайд этишларича, шу кунгача тўрт марта меҳнат ярмаркалари уюштирилиб, уларда икки юзга яқин корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан қатнашиб, 500 нафардан ортиқ киши доимий ишга эга бўлган. Шулар баробарида, ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқаролардан 78 нафари марказнинг йўлланмаси асосида ишга жойлаштирилган. 550 нафар ёшлар эса иш берувчиларнинг буюртмасига кўра, жамоат ишларига жалб қилинган.

Аммо бу билан ишсизликка барҳам берилди, деб бўлмайди. Чунки кундан-кунга баркамол авлод улғаймоқда. Шу сабабли бандликка кўмаклашиш марказидагилар тумандаги мавжуд имкониятларни ўрганишди. Аниқланишича, бўш иш ўринлари бандини юритиш ва шакллантириш йўналишида 112 та маълумот топширган ташкилотларда 899 та бўш иш ўринлари мавжудлиги маълум бўлди.

Ҳадемай ана шу бўш ўринлар ёшлар ва хотин-қизлар ҳисобига тўлғазилади. Сабаби марказ, иш берувчи ҳамда бўлажак ишчи ўртасида ўзаро уч томонлама истиқболли шартнома тузилган бўлиб, ҳозирги кунда туман бандликка кўмаклашиш марказининг ўз маблағи ҳисобидан юз нафарга яқин ёшлар пайвандлаш, чилангарлик, бухгалтерлик, сартарошлик, компьютер, чеварлик, техникаларни таъмирлаш сингари ўндан ортиқ йўналишларда ўқитиляпти. Уларга ҳар ойда 180 минг сўмдан стипендиялар ҳам тўланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Қуйи Чирчиқ туманида ёшлар ва хотин-қизларнинг доимий бандлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлардан кўнгил таскин топса-да, бу билан кифояланмасдан ҳали жуда кўплаб ишлар қилиниши тақозо этилади. Чунки юқорида таъкидланганидек, улғайиб келаётган ёшларни ҳам унутмаслик керак. Бунинг учун Призедентимизнинг видеоселектор йиғилишида билдирган фикрлари ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган таклифлари дастуриламал бўлиб қолсагина кўзланган мақсадга эришамиз.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Жумладан, шоир туғилган қутлуғ 9 февраль санасини ҳар йили адабиёт ва маърифат байрами сифатида юксак даражада нишонлаш анъанаси қарор топди. Улуғ сўз санъаткорининг асарлари мунтазам нашр этилиб, навоийшунослик соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда, республика ва халқаро миқёсда илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилгани, мамлакатимиз ҳамда бир қатор хорижий давлатларда ҳайкаллари ўрнатилгани, асарлар тўплами тўлиқ нашрдан чиқарилгани, пойтахтимиз марказидаги улуғ бобомизнинг муаззам меъморий ёдгорлигига мутаносиб равишда Адиблар хиёбони барпо этилгани маданий ҳаётимиздаги улкан воқеаларга айланди.

Жонажон Ватанимиз **«Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари»** деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Алишер Навоий асарларида теран ифода топган миллий ва умуминсоний ғояларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги беқиёс аҳамиятини назарда тутиб, шунингдек, улуғ шоир ва мутафаккирнинг адабий-илмий меросини мамлакатимизда ва халқаро миқёсда янада чуқур тадқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда **буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги** таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

**Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) таркиби 1-иловага мувофиқ;

**Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда – чора-тадбирлар дастури) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмитага Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»**ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин;

Алишер Навоийнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқароларини ҳамда илмий-ижодий муассасаларини тақдирлаш мақсадида **Алишер Навоий орденини таъсис этиш** юзасидан таклиф киритсин;

Афғонистон Ислом Республикасининг Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоийнинг мақбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш имкониятларини ўрганиб чиқсин ва натижаси бўйича таклиф киритсин.

4. Маданият вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда **хорижий давлатларда сақланаётган Алишер Навоий қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид қўлёзмаларнинг факсимиле нусхаларини** мамлакатимизга олиб келиш чораларини кўрсин.

5. Фанлар академияси:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020-2021 йиллар давомида **Алишер Навоийнинг қўлёзмалари асосида шоир асарларининг мукаммал илмий нашрини яратиш** ишларини амалга оширсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020 йил декабрга қадар Алишер Навоий ижодий меросининг шарҳини яратиш ишларини якунига етказсин ҳамда уларни **«Навоий ва ёшлар» махсус дастури**да жойлаштириш учун Ёшлар ишлари агентлигига тақдим этсин;

Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида 2021 йил ноябрь ойида Алишер Навоий яшаган давр, шоир ҳаёти, ижоди, адабий муҳити, устозлари, замондошлари ва издошлари ҳақида ҳикоя қилувчи, асарларининг қўлёзма ва нашр нусхалари тўғрисида маълумот берувчи адабий-бадиий кўргазмани ташкил этсин.

6. Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросини тадқиқ этиш бўйича илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ илмий лойиҳалар танловини эълон қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда 2021 йил охирига қадар Ўзбекистон Миллий кутубхонасида **Алишер Навоий асарлари ҳамда навоийшунослик фани бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг электрон платформаси**ни яратсин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги **Алишер Навоий асарларини узлуксиз ўқитиш концепцияси**ни ишлаб чиқсин ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан барча таълим муассасаларида шу асосда ўқитишни йўлга қўйсин.

9. Ёшлар ишлари агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил декабрга қадар қуйидаги масалаларни ўз ичига олган **«Навоий ва ёшлар» махсус дастурини ишлаб чиқсин** ва амалга оширсин:

умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида **«Навоий ворислари»** ғазалхонлик танлови, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари ўртасида **«Навоийни англаш»** мавзусида иншолар танловини ўтказиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш;

**бешта муҳим ташаббус доирасида** ёш дастурчиларни кенг жалб этган ҳолда Алишер Навоий асарларининг мобиль иловаларини яратиш ва уларни ёшлар ўртасида оммалаштириш.

10. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2021 йилда Тошкент шаҳрида **Алишер Навоий номидаги ижод мактабини ташкил этиш** ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Навоий вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Навоий шаҳрида **«Алишер Навоий ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни»** мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияни ҳамда Тошкент шаҳрида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган тантанали адабий-бадиий анжуманни юқори савияда ўтказсин.

12. Маданият вазирлиги 2021 йилда Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари асосида янги спектакллар яратиш ҳамда «**Навоий сиймоси ва асарлари саҳнада**» **республика театрларининг фестивалини ўтказиш**, шоир ғазаллари асосида «**Назм ва наво**» **кечаларини**, мақом танловларини ташкил этишни таъминласин.

13. «Ўзбеккино» миллий агентлиги 2021 йил давомида Алишер Навоий асарлари асосида бадиий ва мультипликацион фильмлар, шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ янги маълумотлар ва манбалар асосида **тўлиқ метражли бадиий-публицистик фильм яратиш** чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Молия вазирлиги Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **2021 йилда «Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги»** рукни остида шоир асарлари, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий ва оммабоп китоблар туркумини чоп этиш чораларини кўрсин.

15. Ташқи ишлар вазирлиги 2021 йилдан бошлаб мунтазам равишда:

Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда **мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ташкил этиш**;

чет элда истиқомат қилаётган ўзбек тили мутахассислари, таржимонларни жалб этган ҳолда **Алишер Навоийнинг асарларини чет тилларга таржима қилиш**, **нашр этиш** ва хорижий мамлакатларда тақдимотларини ўтказиш бўйича тизимли ишларни амалга оширсин.

16. Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи биносини тўлиқ реконструкция қилиш, янги замонавий экспозиция яратиш, зарур техник ва ашёвий жиҳозлар билан таъминлаш учун керакли маблағлар ажратиш чораларини кўрсин ҳамда 2021 йил октябрга қадар таъмирлаш ишларини якунига етказсин.

17. Ўзбекистон Бадиий академияси ва Республика «Ҳунарманд» уюшмаси 2021 йил февраль ойида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган тасвирий санъат асарлари, миниатюралар, халқ амалий санъати намуналари кўргазмаларини ўтказсин.

18. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш, шоир асарлари асосида махсус кўрсатув ва эшиттиришлар, ўқув-маърифий фильмлар яратиш тавсия этилсин.

19. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

20. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 19 октябрь

# Самарқанд – маърифат, маданият, туризм маркази

**Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейи муносабати билан 1996 йил 18 октябрь куни Самарқанд шаҳрида буюк жаҳонгир ҳайкали тантанали очилган ва қадимий кент «Амир Темур» ордени билан тақдирланган эди. Ўшанда биринчи Президентимиз томонидан бундан буён ушбу санани Самарқанд куни сифатида нишонлаш таклиф этилган ва бу ташаббус қўллаб-қувватланган эди.**



Мана қарийб 25 йилдирки 18 октябрь қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг байрами сифатида нишонланмоқда. Байрам арафасида эса янги объектларни фойдаланишга топшириш, маданий-маърифий тадбирлар, илмий анжуманлар ўтказиш анъанага айланди. Бу байрам асносида шаҳримизда бир қатор янги иншоотлар очилди.

### «ИПАК ЙЎЛИ»НИНГ «АҚЛЛИ КАМПУС»И

Бугунги кунда туризм мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий ва устувор соҳаларидан биридир. Қадимий шаҳарларимизнинг гўзаллиги, муҳташам меъморчилик обидалари ҳамда серқуёш ўлкамизнинг табиатини бевосита кўришни истаётганлар сонининг тобора ортиб бораётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Юртимизнинг туризм соҳасидаги имкониятлари ва бой тарихини намойиш этиш учун ўз соҳасининг профессионаллари, яъни сайёҳлик соҳасидаги юқори малакали мутахассисларга талаб ошиб бормоқда. Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ саммитида Самарқандда халқаро туризм университетини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди ва 2018 йил 28 июнда бу ҳақда қарор қабул қилиб, «Ипак йўли» туризм халқаро университетига асос солинди.



Мазкур қарор билан Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейининг бино ва иншоотлари университетга оператив бошқариш ҳуқуқи билан берилган эди. Ўтган давр мобайнида бино тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди ҳамда «ақлли университет» тамойилига мослаштирилди.

2020-2021 ўқув йилини университет талабалари янги замонавий смарт-бинода бошлаш имкониятига эга бўлди. 16 октябрь куни ушбу бино тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

– «Ақлли кампус» мақомига эга мазкур бино дунёнинг энг нуфузли университетлари стандартлари асосида жиҳозланган, – деди маросимда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ва бир вақтнинг ўзида «Ипак йўли» халқаро туризм университети ректори А. Абдуҳакимов. – Албатта, университетда яратилган шароитлар, берилган имкониятлар талабаларни ўқишга, ўз устида ишлашга, билимларини оширишга, салоҳиятларини юзага чиқаришга ундайди. Ўз навбатида, юқори малакали мутахассислар халқаро университет мавқеини кўтариш ва ушбу даражага муносиб бўлиш учун ҳаракат қилишади.

Вилоят ҳокими Э. Турдимов университет жамоасини янги бино билан табриклаб, ушбу маскан нафақат бу ерда фаолият кўрсатадиган профессор-ўқитувчилар ва таълим оладиган талабалар учун, балки вилоятимиздаги барча олий таълим муассасалари учун намуна бўлишини қайд этди.

Маросимда университет ректорига муассасанинг рамзий калити топширилди. Шунингдек, университетнинг халқаро танловлар ғолиблари бўлган фаол талабаларга ташаккурномалар берилди.

Тадбир қатнашчилари замонавий бинодаги таълим жараёнлари, яратилган қулайлик ва имкониятлар билан яқиндан танишди.

Шундан сўнг меҳмонлар Университет хиёбонидаги яна бир иншоот – вилоят ахборот-кутубхона марказининг реконструкция қилинган биносини фойдаланишга топшириш маросимида қатнашди.

### 110 ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА КУТУБХОНА УЧУН ЗАМОНАВИЙ БИНО

Самарқанднинг мазкур бош кутубхонаси тарихи 1911 йилга бориб тақалади. Дастлаб ушбу зиё маскани 2 минг нусхага яқин адабиёт билан фаолият бошлаган ва унинг хизматидан бир неча юз киши фойдаланган. Кейинчалик китоб фонди бойиб, 1937 йилда кутубхонага Пушкин номи берилиб, давлат кутубхонаси мақомига эга бўлган.

Айни пайтда марказ китоб фондида 700 мингга яқин сақлаш бирлиги, жумладан, периодика, грамзапислар ва нота нашрлари мавжуд. Кутубхонага ҳар йили 30 мингга яқин киши обуна бўлади. Сўнгги йилларда ўлкашунослик бўлими, каталоглар ва картотекалар бўлими, ҳуқуқий ахборот маркази, Гёте институти кўмагида немис тилидаги адабиётлар ўқув зали, болалар адабиётлари бўлими ташкил этилди.

Аммо марказнинг биноси бугунги кун талабларига жавоб бермас, қадимий ва ноёб китоб фондини сақлаш учун қўшимча қулайлик ва имкониятлар яратиш зарурати юзага келганди.

– Давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий-маънавий ҳаётмизга оид 5 муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши бизнинг марказ ҳаётида ҳам муҳим бурилиш ясади, – дейди Пушкин номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Ш.Ахмедова. – Беш ташаббуснинг тўртинчиси бўлган ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш йўналиши ҳамда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида марказимизни реконструкция қилиш учун вилоят маҳаллий бюджетидан 6 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунинг ҳисобидан биномиз замон талабларига мувофиқ таъмирланиб, кутубхона учун қандай шароит, имконият зарур бўлса, барчаси яратиб берилди. Жиҳозлар тўлиқ янгиланди.

Марказ биносининг очилиш маросимида Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳ.Нормуродов ҳам сўзга чиқиб, қисқа фурсатда ушбу маърифат масканида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари мамлакатимизда аҳолининг китобхонлик маданиятини оширишга, маърифат, маънавиятга алоҳида эътибор қаратилаётганидан ёрқин далолатлигини таъкидлади.

### КОНИГИЛ – ЮРТИМИЗДАГИ БИРИНЧИ ТУРИЗМ ҚИШЛОҒИ

Кейинги йилларда Самарқандда туризм жадал ривожланаётган тармоқлардан бирига айланди. Бу аввало вилоятимизнинг тарихий, маданий аҳамияти, ҳудудда мазкур соҳада жуда катта имконият ва табиий ресурслар мавжудлиги билан боғлиқ. Қолаверса, вилоят аҳлининг касб-кори, миллий ҳунармандчилик анъаналарини давом эттириб келаётгани ва ушбу соҳадаги тажрибаси ҳам сайёҳликни ривожлантиришга катта ёрдам бермоқда.

Самарқанд туманидаги Конигил маҳалласи ана шундай ҳудудлар сирасига киради.

Конигил – Самарқанд қоғози, кулолчилик, дурадгорлик ва бошқа ҳунармандчилик анъаналари бугунги кунга қадар сақланиб қолган қишлоқ ҳисобланади. Бу ерга маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар келиб, халқимизнинг қадимий анъана ва қадриятлари, миллий ҳунармандчилик намуналари билан танишишади. Жумладан, тарихий Самарқанд қоғозини ишлаб чиқариш жараёнлари, конигиллик кулолларнинг иши сайёҳларни ўзига ром этиб, уларни бу манзилга чорлайверади.

Жорий йилда мазкур ҳудудни «туризм қишлоғи»га айлантириш лойиҳаси асосида иш бошланиб, пандемия шароитида ҳам бу вазифа тўхтаб қолмади. Аввало қишлоқ инфратузилмаси яхшиланиб йўллар кенгайтирилди, бинолар, аҳоли турар жойлари тарихий қиёфаси сақланган ҳолда таъмирланди. Шунга мос тарзда меҳмон уйлари, овқатланиш шохобчалари, устахона ва ҳунармандчилик шохобчалари ташкил этилди. Шу пайтгача мазкур ҳудуддаги «Конигил мерос» ҳунармандчилик марказида қадимий Самарқанд қоғозини тарихий усулда ишлаб чиқариш жараёни тикланиб, бу устахона сайёҳлар ташриф буюрадиган муҳим объектлардан бири саналар эди. Эндиликда унинг қаторига сув тегирмонлари ёрдамида ун тайёрлаш, Конигил қишлоғида етиштирилган шолидан гуруч олиш йўлга қўйилди. Меҳмонлар бу ерда ана шу тегирмонлардан чиқарилган ундан дунёга машҳур Самарқанд нонларини пишириш жараёнларига гувоҳ бўлишади. Конигил гуручидан миллий таом – палов тайёрлашади ёки бу жараённи кузатишади. Шунингдек, сайёҳларнинг табиат қўйнида дам олишлари ҳамда сайр қилишлари учун Сиёб ариғи атрофида пиёдалар йўлаги, дам олиш масканлари ташкил этилди.

– Ҳозир бу ерда лойиҳанинг биринчи босқичи амалга оширилди, – деди вилоят ҳокими Э. Турдимов. – 40 га яқин хонадонлар туризм қишлоғининг объектлари сифатида турли хизматларни йўлга қўйди, устахоналар, меҳмон уйлари, чойхона ва ошхоналар ташкил этилди. Эндиликда иккинчи босқичда бу ишларни давом эттирамиз. Сиёб ва Оби Раҳмат ариқлари бўйидаги 3,5 километрлик ҳудуднинг икки тарафи ана шу тарзда обод қилиниб, туристик маскан бунёд этилади. Кичик меҳмон уйлари билан бирга замонавий меҳмонхоналар, кўнгилочар масканлар қурамиз. Мақсадимиз Конигил қишлоғининг 720 дан ортиқ хонадонини шу фаолиятга қамраб олиш, 1000 дан ортиқ янги иш ўрни яратиш. Конигил туризм қишлоғи келгусида вилоятимизнинг асосий сайёҳлик марказларидан бирига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Абдуҳакимов ушбу манзил мамлакатимиздаги илк туризм қишлоғи бўлганлигини таъкидлади ҳамда «Конигил» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Каромат Раҳматовага маҳаллага «Туризм қишлоғи» мақоми берилган сертификатни топширди.

### САМАРҚАНДДА ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМ КЎЧАСИ ПАЙДО БЎЛДИ

Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналар яна биттага кўпайди. Бобур Мирзо кўчасида 51 ўринли замонавий меҳмонхона фойдаланишга топширилди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, вилоят ҳокимлиги масъуллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари меҳмонхонада маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни қабул қилиш учун яратилган имконият ва қулайликлар билан танишди.

Шунингдек, кеча шаҳарнинг Орзу Маҳмудов кўчаси Самарқанднинг илк гастрономик туризм кўчаси сифатида фаолиятини бошлади. Ушбу кўчада жойлашган кафе ва ресторанларда ҳар бир меҳмон дунёнинг турли мамлакатларида тайёрланадиган энг мазали, миллий таомлардан баҳраманд бўлиши мумкин. Йўл бўйлаб кўплаб гастрономик бутиклар, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари ўрин олган.

Шаҳар куни арафасида яна бир қатор янги объектлар фойдаланишга топширилади ва бу байрамга муносиб туҳфа бўлади.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЁШ ОЛИМЛАР ТАДҚИҚОТИ

**Мамлакатимизда банк кредитлари бўйича гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш, хусусан, банкларнинг кредит таъминотини баҳолашда маъмурий ёндашувларга барҳам бериш ва бу орқали баҳолаш ташкилотлари ўртасида ўзаро рақобатни кучайтириш устувор масалалардан бири.**

Тошкент архитектура-қурилиш институти Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш кафедраси ёш олимлари томонидан олиб борилаётган «Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги илмий-тадқиқотлар шу муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Жумладан, диссертация бир қатор муҳим масалаларни қамраб олган. Гаров таъминотини ҳаққоний ва оқилона баҳолаш, кредит таъминоти сифатида олинган мол-мулкни зарур ҳолларда сотиш, банк кредитлари таъминотига қўйилган гаровни баҳолашда юқори малакали ва тажрибали баҳоловчиларни жалб этиш, банк кредитлари таъминотини баҳолаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар атрофлича таҳлил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар депозит базасининг капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш» вазифаси кўзда тутилган. Мазкур тадқиқда банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган.

Маълумки, тижорат банклари гаров таъминоти сифатида қабул қилинадиган активларни баҳолаш билан боғлиқ амалиётлар ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистон тижорат банклари гаров таъминотини баҳолаш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатларнинг боришига илмий жараёнда катта эътибор қаратилмоқда. Тадқиқот ишида қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, диссертациянинг асосий вазифалари сифатида банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг назарий асосларини ўрганиш орқали иқтисодий моҳиятини очиб бериш, банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг харажат, даромад ва қиёсий ёндашувларини таҳлил қилиш вазифалари белгилаб олинди.

Албатта, ҳар бир илмий ишнинг ўз олдига қўйган мақсади ва янгилиги мавжуд. Мазкур илмий иш ҳам бу каби янги ғоя ва ташаббуслардан холи эмас. Бугунги кунда технологик ускуналар сотиб олиш учун хорижий валютада ажратилаётган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида ускуналарни қабул қилиш билан бирга экспорт операциялари ва шартномаларини ҳам ҳисобга олиш тартиби ишлаб чиқилган. Шунингдек, банк кредитлари бўйича транспорт воситалар, машина ва ускуналар гаров сифатида қабул қилинганда амортизация муддатини ҳисобга олиш орқали гаров рискини камайтириш йўллари белгилаб берилган.

Банк кредитлари бўйича гаров рискини пасайтириш мақсадида гаров активлари портфелида юқори ликвидли активларни диверсификациялашнинг асосий йўналишлари сифатида тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари мавжуд. Тадқиқот иши давомида банк кредитлари гарови бўйича баҳолашда йўл қўйиладиган миқдорларни аниқлашга асосий масала сифатида эътибор қаратилади. Асосий масаладан келиб чиққан ҳолда ишчи гепотеза сифатида бевосита банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашга доир тадқиқотларини янада такомиллаштириш ғояси илгари сурилмоқда.

Тадқиқот иши мавзуси бўйича МДҲ давлатлари ва чет эл олимлари ўзларининг илмий тадқиқот ишларида кўплаб маълумотлар келтирган ва муҳим илмий-амалий хулосалар шакллантирилган.

Тадқиқотда қўлланиладиган методиканинг тавсифи, диссертация иши муаммолари бўйича адабиётлар рўйхатини таҳлил гуруҳлаш, таққослаш, монографик тадқиқот, истиқболли прогнозлаштириш, иқтисодий таҳлил, индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланишга катта эътибор қаратилган. Умуман олганда, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти катта.

Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг харажат, даромад ва қиёсий ёндашувлари, банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётининг қўлланилиши ва ҳолати таҳлили баҳоловчи ташкилотлар ҳисоботлари асосида тадқиқ этилган.

Халқаро амалиётда кредитнинг гарови таъминоти сифатида қимматли қоғозлар кенг доирада қўлланилади. Агар гаровга қўйилган қимматли қоғоз ҳужжатли бўлса, банк уни закалат сифатида кредит берилган муддат давомида сақлаш учун қабул қилади. Кредит учун закалат сифатида олинган қимматли қоғозни баҳолаш кўп меҳнат талаб қилмаса-да, бироқ уни кредит таъминотининг гарови сифатида олиниши анчагина рискли ҳисобланади. Хулосада эса назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар натижалари умумлаштирилади.

**Зарифа ТОЙЛОҚОВА,**
**Тошкент архитектура-қурилиш институти магистранти.**

# *Куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилди*

**Қарши шаҳар аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш учун 16,5 миллиард сўм ажратилганди.**

Ушбу маблағ ҳисобидан шаҳар ҳудудида 7,9 километр узунликдаги ичимлик суви қувурларини ўтказиш лойиҳаси амалга оширилиши натижасида Пахтазор, 4-, 5-, 6-, 7-митти туманларидаги аҳоли ичимлик сув билан таъминланади.

**Андижон вилояти Жалақудуқ туманининг Жанубий Оламушук ҳудудида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.**

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастури доирасида Навоий маҳалласи ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлар олдига хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати билан ҳамкорликда болалар майдончаси қурилди. Кўп қаватли уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасида уйлар атрофи ободонлаштирилиб, оқава сув тармоқларини янгидан қуриш, трансформатор пунктларини янгилаш ва яна бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди.

**Фарғона вилоятида кўп квартирали уйлар сони 3 415 та бўлиб, уларга 300 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда 13 та бошқарув сервис компаниялари хизмат кўрсатади.**

Кўп қаватли уй-жойларни 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида, 411 та уйлар мукаммал ва жорий таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, мазкур ишлар учун 11 млрд сўм маблағ, унинг 7,8 млрд сўми республика бюджети, 3,2 млрд сўми эса тижорат банкларидан олинадиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан сарфланиши белгиланган. Бугунги кунгача 248 та уйлар мукаммал ва жорий таъмирланди.

**Кўп квартирали уйлар атрофида жойлашган ноқонуний қурилмалар бузилмоқда.**

Жумладан, Урганч туманидаги Орзу маҳалласи ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлар ҳудудидаги бино ва турли ноқонуний қурилмалар бузилиб, унинг ўрнида ободонлаштириш ишларига эътибор қаратилган. Ушбу ишларни амалга ошириш давомида кўп қаватли уйларда яшовчиларга тушунтиришлар берилмоқда.

**«Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» давлат дастурлари доирасида Фарғона вилоятининг Фурқат туманида 2017-2020 йилларда коммунал инфратузилмани яхшилаш, фуқароларга шарт-шароитлар яратиш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.**

Хусусан, туманидаги 16 та кўп квартирали уйларда 257 та хонадон мавжуд бўлиб, шундан 10 таси ўтган асрнинг 70-80 йилларида барпо этилган. Мазкур уйларга йиллар давомида эътибор қаратилмагани оқибатида фуқароларга бир қатор ноқулайликлар туғдираётган эди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари томонидан энг оғриқли ҳисобланган ҳудудлар танлаб олиниб, ишлаб чиқилган дастурлар асосида ушбу туманда ҳам бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Шоимбек» МФЙнинг Ёшлар кўчасидаги 3 та кўп қаватли уйларнинг фасад қисмлари, 9 та кириш йўлаклари таъмирланди, уларга темир эшиклар ўрнатилди, ушбу уй-жойлар олди йўлаклари бетон қопламаси билан қопланди, 8 кв.м фурамуга пластик ромлар ўрнатилди ҳамда 1 та янги болалар майдончаси қуриб фойдаланишга топширилди.

«Мустақиллик» МФЙнинг Шифокор кўчасида 2 та кўп қаватли уйларнинг фасад қисмлари таъмирланиб, ноқонуний қурилишлар бузилди ва ҳудудлар ободонлаштирилди. «Шўр» МФЙ ҳудудидаги Тинчлик қишлоғида ҳам 4 та кўп қаватли уйларнинг том ва фасад қисмлари таъмирланди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ОБЪЯВЛЕНИЕ О РЕЗУЛЬТАТАХ

## НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНКУРСНЫХ ТОРГОВ 2020-02

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**с участием Исламского банка развития**

**Форма финансирования:** Истисна'а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**ООО ИК «Кишлок курилиш инвест»**

Тендерные торги проводились с 28 июля по 24 сентября 2020 года, согласно объявлениям, опубликованным в газете «O'zbekiston bunyodkori» №59 (408) от 28.07.2020 г. и размещённым на веб-сайте www.tenderweek.com.

**Результаты тендерных торгов и сумма победителей указаны в нижеприведенной таблице:**

| № Лота | Наименование района | Наименование массива | Протяженность сетей водоснабжения (п.м.) | Монолитный ж/б резервуар | | Победитель | Предложение победителя торга (сум) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | кол-во | ёмкостью ___м³ | | |
| **по Сырдарьинской области** | | **2** | **1342** | **1** | | **1** | **541 223 768** |
| ИБР-92 | Баяутский | «Янгихаёт» | 976 | | | ЧП «FARZONA-HASHAM» | 541 223 768 |
| | Гулистанский | «Юлдуз» | 366 | 1 | 100 | | |

# ОБЪЯВЛЕНИЕ О РЕЗУЛЬТАТАХ

## НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНКУРСНЫХ ТОРГОВ 2020-03

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**с участием Исламского банка развития**

**Строительство подводящих и внутримассивных дорог**

**Форма финансирования:** Истисна'а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**ООО ИК «Кишлок курилиш инвест»**

Тендерные торги проводились с 14 июля по 30 сентября 2020 года, согласно объявлениям, опубликованным в газете «O'zbekiston bunyodkori»№54 (403) от 14.07.2020 г., №55 (404) от 17.07.2020 г., №64 (413) от 18.08.2020 г., №65 (414) от 21.08.2020 г., №69 (418) от 04.09.2020 г. и в газете «Доверие» №21 (1126) от 14.08.2020 г. и размещённым на веб-сайте www.tenderweek.com.

**Результаты тендерных торгов и сумма победителей указаны в нижеприведенной таблице:**

| № Лота | Наименование региона | Наименование массива | Протяженность дороги (км.) | Победители | Предложение победителя торга (сум) |
|---|---|---|---|---|---|
| **ВСЕГО, в том числе:** | | **26** | **11,340** | **8** | **10 591 639 639** |
| **по Навоийской области** | | **2** | **1,646** | **1** | **1 485 000 000** |
| ИБР-94 | Кызылтепинский | «Бунёдкор» | 0,735 | ООО «ZARAFSHON TOLA IMPEKS» | 1 485 000 000 |
| | Карманинский | «Маликработ» | 0,911 | | |
| **по Андижанской области** | | **18** | **5,805** | **4** | **5 194 883 547** |
| ИБР-97 | Ханабадский | МСГ «Тейт» | 0,151 | ООО «Комил мукаррам авлоди» | 1 501 000 000 |
| | | МСГ «А. Фитрат» | 0,399 | | |
| | | «Корасув» | 0,201 | | |
| | Асакинский | МСГ «Бобур», ул. Карвонсарой | 0,166 | | |
| | | МСГ «А. Темур» | 0,115 | | |
| | | МСГ «Улугбек» | 0,153 | | |
| | Избасканский | МСГ «Истиклол», «Шарк Юлдузи» | 0,079 | | |
| | | МСГ «Даминбойчек», «А. Тиллабоев» | 0,362 | | |
| **Всего по Лоту:** | | **8** | **1,626** | | |
| ИБР-98 | Булакбашинский | МСГ «Кумгузар», «Т. Рахимов» | 0,536 | ООО «Ихтисослашган транс сервис» | 1 347 609 897 |
| | Джалакудукский | МСГ «Шахрихончек», «А. Темур» | 0,208 | | |
| | | МСГ «Киличмозор», «Пахтакор» | 0,124 | | |
| | Кургантепинский | МСГ «Янги хаёт», «Кургонтепа» | 0,790 | | |
| **Всего по Лоту:** | | **4** | **1,658** | | |
| ИБР-99 | Ходжаабадский | «Хужаобод» | 0,982 | ООО «Хужаобод ТЙФУК» | 1 345 000 000 |
| | | «А. Набиев» | 0,127 | | |
| | Балыкчинский | «Чинобод» | 0,134 | | |
| **Всего по Лоту:** | | **3** | **1,243** | | |
| ИБР-100 | Мархаматский | МСГ «Бархаёт», «Т. Мирзаев» | 0,108 | ООО «Бехрузбек Дилмуродов» | 1 001 273 650 |
| | | МСГ «Турон» | 0,217 | | |
| | | МСГ «Узбекистон» | 0,106 | | |
| | Шахриханский | МСГ «Карнайчи», «Янги Вахим» | 0,479 | | |
| | Алтынкульский | МСГ «Марказ» | 0,368 | | |
| **Всего по Лоту:** | | **3** | **1,278** | | |
| **по Джизакской области** | | **1** | **1,454** | **1** | **1 270 225 917** |
| ИБР-101 | Ш. Рашидов | «Токчилик» | 1,454 | ООО «LOTOS-INVEST» | 1 270 225 917 |
| **по Сырдарьинской области** | | **2** | **0,971** | **1** | **787 127 090** |
| ИБР-102 | Баяутский | «Янгихаёт» | 0,523 | ООО «SIRDARYO KELAJAK» | 787 127 090 |
| | Гулистанский | «Юлдуз» | 0,448 | | |
| **по Наманганской области** | | **3** | **1,464** | **1** | **1 854 403 085** |
| ИБР-103 | Янгикурганский | «Водий» | 0,402 | ООО «ROAD CONSTRU PROJECT INVEST» | 1 854 403 085 |
| | Нарынский | «Бузулмас» | 0,585 | | |
| | Чартакский | «Дустлик» | 0,477 | | |


# «PRIME REALTY» МЧЖ

## аукцион савдоларига таклиф этади!

**2020 йил 23 ноябрь куни соат 15.00 дан бошлаб мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «ULUG'BEK ALIYEV UMAR AGRO» фермер хўжалигига қарашли қуйидаги мулк қўйилмоқда:**

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бўз-сув» ҚФЙ, Мирзо Улуғбек массиви ҳудуди бўйича 2,0 Га ер майдони участкасида жойлашган, диаметри 8 сантиметрдан иборат жами 180 туп олма дарахтлари, жами 1200 дона 1 йиллик узум кўчатлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар. **Бошланғич баҳоси** – 8 887 000 сўм.

Мазкур мулк ушбу савдо кунида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг душанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади.

Аукцион савдоси Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар қўрғони, Мустақиллик кўчаси, 23-уйда туман ҳокимлигининг биносида ўтказилади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига мулк сотув нархининг 5 (беш) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўлаши лозим.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар, расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин, соат 15.00 да тўхтатилади.

**Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам б**ўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари керак: 2020 8000 7007 6599 0001 АТБ «InFinBank» МФО 01041 СТИР 304 844 964.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ҳар бир мулк учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида тўлов олинади.

**Манзил:** Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-»А» уй.

**Тел.:** 998-580-112.

**E-mail:** info@primerealty.uz

**Расмий сайт:** www.primerealty.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0285-сонли лицензия.*


# ПРИГЛАШЕНИЕ ДЛЯ УЧАСТИЯ В НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

| | |
|---|---|
| **Дата:** | 20.10.2020 |
| **Номер Займа:** | 9/717 |
| **Наименование проекта:** | «Строительство современных домов в сельской местности Навоийской, Ферганской и Ташкентской областях с участием Саудовского фонда развития». |
| **Номер объявления:** | НКТ/СФР-2020-2. |
| **Наименование работ:** | Закупка работ по строительству 2 (двух) многоэтажных домов с 52 единицами 2-х и 3-х комнатных доступных квартир по Лотам № 184 и 185 в ССГ «Миробод», МСГ «Барданкул» Юкоричирчикского района, Ташкентской области. |
| **Окончательный срок подачи предложений:** | Согласно нижеприведенной таблице |

1. Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Саудовского фонда развития (Фонда) на покрытие расходов по проекту «Строительство современных жилых домов в сельской местности Навоийской, Ферганской и Ташкентской областях с участием СФР». Контракты будут финансироваться совместно с Правительством Республики Узбекистан. Тендерные торги открыты для приемлемых участников торгов. Процесс Национальных конкурсных торгов (НКТ) будет проводиться в соответствии с Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №243 от 26 апреля 2017 года и руководством по Закупкам СФР.

2. Заинтересованные компании могут учувствовать в НКТ как на один, так и на несколько Лотов, как указано в тендерной документации. Участникам тендера, желающим предложить скидки в случае, если им будет присужден более чем один контракт, будет разрешено сделать это, если эти скидки включены в Письме тендерного предложения.

3. **Ташкентский региональный филиал «Кишлок курилиш инвест», расположенный по адресу:** ул. Бунёдкор, дом №100, в Чиланзарском районе города Ташкента («Работодатель») принимает запечатанные и маркированные предложения от правомочных участников по Лотам № 184 и 185 в ССГ «Миробод», МСГ «Барданкул» Юкоричирчикского района, Ташкентской области («Работы»).

4. НКТ будет проводиться в соответствии с условиями, указанными в Руководстве по закупкам и отбору подрядных организаций на строительство доступных жилых домов, процедура проведения НКТ «Одноэтапная одно-конвертная». Данный НКТ открыт всем правомочным участникам, как указано в Тендерной документации.

**5. Только правомочные участники с следующими ключевыми квалификациями могут учувствовать в данном тендере:**

**5.1. Средний годовой оборот (СГО) и требование по опыту строительства для одного многоэтажного дома:**

| A | B | C | D | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Тип дома | Требуемый опыт по строительству каждого дома (сум) | Специальный опыт в строительстве (а) Аналогичные контракты (по крайней мере, по одному контракту) в течение последних (три) 3 года (сум) | Специальный опыт в строительстве (b) Специальный опыт в строительстве в ключевой деятельности | | |
| | | | Завершение земельных работ не менее ___ м³ по одному контракту за последние 3 (три) года | Завершение бетонных работ не менее ___ м³ по одному контракту за последние 3 (три) года | Завершение строительства домов с общей жилой площадью не менее ___ м² по одному контракту за последние 3 (три) года |
| Многоэтажный дом с 52 единицами 2-х и 3-х комнатных доступных квартир | 27 000 000 000 | 14 500 000 000 | 500 | 1 000 | 2 200 |

**5.2. Требование по финансовым ресурсам:**

| A | B |
|---|---|
| **№ Лота** | **Требование финансовых ресурсов по условиям контракта в узбекских сумах** |
| 184 | 4 500 000 000 |
| 185 | 4 500 000 000 |

**5.3. Требуемое ключевое оборудование:**

| № | Вид оборудования и характеристика | Минимальное требуемое количество |
|---|---|---|
| 1. | Башенный кран грузоподъемностью 10 тонн (при наличии договора аренды) | 1 |
| 2. | Самосвалы грузоподъемностью 10 тонн (при наличии договора аренды) | 2 |
| 3. | Вибратор для укладки бетона (поверхностного типа) | 1 |
| 4. | Ручной вибратор (горизонтально-плоского типа) для уплотнения грунта | 1 |
| 5. | Газосварочный аппарат | 1 |
| 6. | Битумный котел, передвижной | 1 |

**5.4. Требуемый ключевой персонал:**

| № | Должность | Общий опыт работы (лет) | Опыт участия в аналогичных работах (лет) |
|---|---|---|---|
| 1. | Руководитель проекта/Прораб | 5 | 3 |
| 2. | Инженер по гражданскому строительству/инженер-строитель | 5 | 3 |
| 3. | Специалист ПТО | 5 | 3 |

6. Для получение детальной информации и ознакомления с тендерной документацией участники торгов должны связаться с организатором конкурсных торгов.

**Организатором конкурсных торгов является Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Ташкентской области Министерства строительства Республики Узбекистан (КЦ), расположенный по адресу:** г. Ташкент, ул. Навои, 18, **тел.:** (71) 241-15-26, **факс:** (71) 241-15-26, **эл.почта:** toshkonsaltingtorg@bk.ru. КЦ организует и проводит конкурсные торги от имени Региональной тендерной комиссии. КЦ оказывает техническую и административную поддержку Региональной тендерной комиссии для регистрации участников, распространяет документы для зарегистрированных участников, а также получает и обеспечивает все предложения до вскрытия, чтобы осуществлять оценку и процесс присуждения контракта.

**7. Чтобы приобрести тендерные документы на русском языке, правомочные участники торгов должны:**

написать по адресу, указанному выше, с просьбой предоставить тендерные документы для строительства многоэтажных домов с 52 единицами 2-х и 3-х комнатными доступными квартирами в сельской местности;

**оплатить невозмещаемую сумму в размере одной базовой расчетной величины (БРВ) путем банковского перевода на вышеуказанный банковский счет:** Алмазарский филиал АТБ «Asia alliance bank» МФО 01102 ИНН 300 017 720 ОКЭД 74900 р/с 2021 0000 5045 4602 7001.

**8. Представлять свои предложения:**

по вышеуказанному адресу;

до наступления окончательного срока подачи (приведенного в таблице ниже);

вместе с банковской гарантией, как описано в тендерной документации.

Предложения будут открываться сразу же после крайнего срока подачи заявки в присутствии представителей участников торгов, которые решили принять участие.

Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

| № Лота | Район | Массив | Многоэтажный дом с 52 единицами 2-х и 3-х комнатных доступных квартир | | | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | № | к-во домов | к-во квартир | |
| **Ташкентская область** | | | | **2** | **104** | |
| SFD-184 | Ташкентский | Миробод | 1 | 1 | 52 | 20 ноября 2020 года, 11.00 |
| SFD-185 | Ташкентский | Миробод | 2 | 1 | 52 | 20 ноября 2020 года, 11.30 |

# ПРИГЛАШАЕМ

## на участие в открытых аукционных торгах!

На открытые аукционные торги, проводимые 23 ноября 2020 года в 09.30 в порядке пошагового повышения цен, хокимиятом Кибрайского района Ташкентской области выставляется автотранспортное средство марки «NEXIA» 2004 года выпуска, гос. номер 10 896 КВА. **Стартовая цена** – 7 575 000 сум.

На открытые аукционные торги, проводимые 23 ноября 2020 года в 10.00 в порядке пошагового повышения цен, ГП «Хозрасчётный отдел по медосмотрам при Главном управлении здравоохранения» выставляются нижеследующие автотранспортные средства:

«LADA RS 015L-A2U-41» 2015 года выпуска, гос. номер 01 054 QDA. **Стартовая цена** – 22 492 000 сум.

«LADA RS 015L-A2U-41» 2015 года выпуска, гос. номер 01 056 QDA. **Стартовая цена** – 21 764 000 сум.

Победитель аукциона должен внести 10 % сумму от продажной стоимости автотранспортного средства на счет организатора торгов. Победитель аукциона должен оплатить 5 % от продажной стоимости автотранспортного средства на счет организатора торгов.

**Заявки от претендентов на участие в аукционных торгах будут приниматься в рабочие дни с 10.00 до 16.00 по адресу:** город Ташкент, улица Х. Алимджана, дом 13 «А».

Прием заявок после заключения договора о задатке и оплаты задатка приостанавливается за день до аукционных торгов в 09.30 и 10.00. Победитель аукциона должен заключить договор с продавцом в течение 10 банковских дней.

Повторные аукционные торги будут проводиться каждый понедельник в указанное выше время. Принимается оплата за дополнительные услуги в размере 2-х минимальных оклада за каждое авто.

Претенденты, желающие участвовать в аукционных торгах, должны внести задаток в размере 15 % от стартовой стоимости автотранспортного средства на банковский счет организатора торгов с указанием в платежных документах наименования автотранспортного средства.

**Реквизиты:** ООО «AUTO TRADE COOPERATION» р/с 2020 8000 5050 1568 5001 в АКБ «InFinBank» МФО 01041 ИНН 302 477 464.

**Телефон:** 951-937-496.

*Свидетельство № 005148.*

# Тараддуд авж паллада

**«Буюк ипак йўли»нинг марказида жойлашган Самарқанд катта халқаро анжуманга тайёргарлик кўрмоқда. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2022 йилда қадимий ва навқирон шаҳарда бўлиб ўтиши кутилаётган Саммити муносабати билан рўёбга чиқарилаётган юмушлар бугун авж паллага киряпти.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги «Самарқанд шаҳрида 2019-2022 йилларда амалга ошириладиган улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида»ги қарори асосида олиб борилаётган тадбирлардан ҳар қандай кишининг қалби ифтихорга тўлиши шубҳасиз.





Мазкур ҳужжатга мувофиқ шаҳардаги тарихий ёдгорликларни тартибга келтириш, осори атиқаларнинг жозибадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозир бино ва иншоотлар кўркам қиёфага келтириляпти, боғ ва хиёбонлар чирой очяпти. Режа бўйича эшкак эшиш канали атрофидаги 30 гектар майдонда туристик марказ яратиш, анжуманлар саройи, меҳмонхоналар, бошқа кўнгилочар мажмуалар барпо этиш жадал бошлаб юборилган. Айрим ҳудудларда навбати билан ичимлик суви, газ, электр энергияси, канализация ҳамда алоқа тармоқлари қулай, ихчам, тежамкор жиҳозларга алмаштирилаётгани айни муддаодир.

Манзилли рўйхат бўйича автомобиль йўлларини тубдан таъмирлаш, жаҳон андозаларига монанд янги кўчалар, кўприк ва туннеллар қуриш, уларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш долзарб вазифа ҳисобланади. Жумладан, эшкак эшиш каналига олиб борадиган Уста Умар Жўрақулов кўчасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўлқинланиб гапириш мумкин. Вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмасига асосан тендерда ғолиб чиққан Оқдарё тумани «Йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси ишчи-хизматчилари бу ерда чинакам жонбозлик кўрсатишмоқда. Яқин-яқингача тор, ўйдим-чуқур, автомашиналарнинг юришига ноқулайлик туғдирган йўл эндиликда замонавий тусга кираётганини кўриб, қурувчилар шаънига таҳсинлар айтасиз.

– «Ark Dizayn» архитектура-лойиҳалаш маркази томонидан замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган лойиҳа бўйича фаолият юритаяпмиз, – дейди пудрат ташкилоти бош муҳандиси Пўлат Ўроқов. – Кенглиги 42 метр, 4,3 километр узунликда бўлган йўлнинг автомобиллар қатнайдиган асосий қисмидан ташқари маҳаллий жамоат транспорти учун йўл, пиёдалар ва велосипед йўлаклари бунёд этилмоқда. Икки томонга тунги ёритиш чироқлари, лотоклар, бекатлар ўрнатилиб, манзарали дарахтлар экиляпти, яшил майсазорлар яратиляпти. Бунинг учун анчагина уй-жойлар, савдо дўконларини бузиш, кўчиришга тўғри келди. Самарқанд тумани ва шаҳар ҳокимликлари фуқароларга етказилган зарарни қоплаш, уларга янги ер майдонлари ажратиш, компенсация тўлашда бош-қош бўлди.

Шунингдек, йўлнинг 2,8 километрида ҳам асфальт-бетон ётқизишга жадал киришилгани эътиборга сазовор. 70 нафар қурувчимиз, 30 дан зиёд махсус техника тиним билмай ишлаётгани муваффақиятларимизга омилдир. Қолаверса, «New-tech-Samarkand» МЧЖ, «Самарқанд нур» корхонаси, «Аму-Бухоро каналқурилиш» ташкилотларининг бунёдкорлари ёрдамчи пудратчи сифатида яқиндан мадад қўлини чўзишаётганини таъкидлаш жоиз. Шу боисдан қисқа фурсатда объект қурилиши учун ажратилган қарийб 58 миллиард сўм маблағнинг ярмидан кўпини ўзлаштиришга эришдик.

Ҳа, йўлсозларнинг шижоатли меҳнати туфайли кўча тобора чирой очаётир. Бу ердаги кўприкларни барпо этишга ҳам қатъий киришилган. Катта ўзбек трактининг М-39 автомобиль йўлига чиқишда тикланаётган кўприкни эса «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компаниясининг «Кўприк қурилиш» УК мутахассислари ўз вақтида фойдаланишга топширишга астойдил киришган.

**Суратларда:** Уста Умар Жўрақулов кўчасида олиб борилаётган ишлардан лавҳалар.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Маҳаллий сармоядорлар ташаббуси

**Кейинги йилларда қадимий Бухоро кенг кўламли бунёдкорликларга юз тутмоқда. Қурувчиларнинг самарали меҳнати боис замонавий бинолар, миллийликни ўзида акс эттирган архитектура иншоотлари, аҳоли турар жойлари ва яна кўплаб ижтимоий соҳа объектлари қад кўтариб, шаҳару қишлоқларимизнинг кўркига кўрк қўшмоқда.**

Айниқса, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш, юртдошларимиз ва сайёҳларнинг мазмунли дам олиши учун янги туристик манзиллар ташкил этилмоқда. Булар Ўзбекистонимизнинг жаҳонга юз тутишида муҳим омилдир. Бухоро шаҳрида барпо этилган «Chalet» touristinfo. uz» — туристик ахборот марказининг фойдаланишга топширилиши ҳам ана шу ишларнинг амалдаги ифодаси.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухорои шарифга ташриф буюрган сайёҳ борки, ўзи яқиндан танишмоқчи ёки бориб кўрмоқчи бўлган обида ва қадим меъморий ёдгорликлар, сайёҳлик маршрути ҳақида батафсил маълумот олиш, юртимизда яратилган қулайликлар, кўрсатиладиган хизматлардан тўла-тўкис баҳраманд бўлишни истайди. Бу унинг шариф шаҳарга илк қўйган қадами, меҳмонхонага жойлашишидан бошлаб, «йўл харитаси» асосида кун тартибини белгилаши, умуман, сафарининг илиқ таассуротлар билан ўтказишига боғлиқ. Бу борада зарур ахборот хизматини йўлга қўйиш, хорижлик меҳмонлар учун маълумот алмашадиган марказни барпо этиш зарур эҳтиёж эди.

Талаб ва таклифлардан келиб чиқиб вилоят марказининг Эски шаҳар қисмида, Меҳтар Анбар ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд кўчалари кесишмасидаги «Нодир Девонбеги» мадрасаси орқа томонида худди шундай, «Chalet» touristinfo. Uz» туристик ахборот маркази ва қаҳвахона барпо этиш лойиҳаси 2019 йилда ишлаб чиқилганди. Лойиҳа муаллифи, хусусий тадбиркор Саиджон Мақсудов ушбу эзгу ташаббус асосида аҳоли ва айниқса, хорижлик меҳмонларнинг мароқли саёҳат қилишлари учун катта имконият яратишни мақсад қилди.

Саиджон Мақсудов бугунги кунда ўзининг хусусий фирмасини ташкил қилган. Унинг хайрли ташаббуслари вилоят мутасаддилари томонидан қўллаб-қувватланиб, мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 19 майдаги «2017 – 2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросидан келиб чиқиб, унга 120 квадрат метр ер майдони ажратиб берилди.

– Бизни руҳлантирган ва кучимизга куч қўшган яна бир муҳим ҳужжат мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги «Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридир, – дейди Саиджон Мақсудов. – Ана шу рағбат ва имкониятдан фойдаланган ҳолда мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси билан боғланиб, ташаббусимиздан хабардор қилган ҳолда оилавий даромадимиздан 200 минг АҚШ долларидан ортиқроқ сармояни мазкур лойиҳага йўналтирдик. Натижада пандемия даврига қарамасдан «Лабиҳовуз» ансамбли яқинида миллий меъморчилик анъаналари асосида енгил конструкциядан иборат ахборот маркази ва қаҳвахона биноси қад ростлади ва у зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди, атроф ободонлаштирилди.

Хусусий инвестор Саид Мақсудов оилавий тадбиркор сифатида чет элдан ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини ўрганиб чиқиб, Эски шаҳарнинг Хўжа Порсо кўчасидаги хусусий эгаликларида бўлган уйларда, Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида замонавий типдаги, элликка яқин ўринга эга шинам «Меҳмон уйлари»ни қуриб фойдаланишга топширишни ният қилган. Уларнинг ҳар бири учун умумий қиймати 200 минг Евро атрофида сармоя ажратиш кўзда тутилган.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

**«Кегейли» магистрал каналининг Чимбой тумани марказидан оқиб ўтадиган 2,5 километр қисмини бетонлаш ишлари 2020 йил инвестиция дастурига киритилган эди.**

# Бу ишлардан аҳоли мамнун



Ҳозирги кунда «Бунёдкор Мерос» масъулияти чекланган жамияти томонидан бу ерда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Қурилиш ишларига 30 нафар қурувчи жалб этилган.

Ана шу ишлар якунлангач, каналда сув йўқотилиши камайиб, ҳудуддаги аҳолининг ҳам бир неча муаммоси ҳал бўлади. Негаки, бу каналнинг вегетация даврида тўлиб оқиши туман марказидаги «Жипек жоли» ва «Кўкши қалъа» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида зах сувларнинг кўтарилишига сабаб бўларди.

2020-2022 йилларда канални реконструкция қилиш ва қурилиш ишларини олиб боришга 11 миллиард 130 миллион сўм ажратилиши белгиланган. Амалга оширилаётган ишлардан Чимбой тумани аҳолиси, айниқса, каналга яқин ҳудудда яшовчилар мамнун бўлишмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК

**томонидан киритилган қуйидаги объект бўйича**

## ҚАЙТА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| Т/р | Объект номи | Бошланғич қиймати (сўм, ҚҚС билан) | Қурилишни тугаллаш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги Хуросон кўчасини жорий таъмирлаш | 1 659 538 443 сўм | 45 кун |

**Қурилиш ишларини молиялаштириш манбаси:** Инқирозга қарши курашиш жамғармаси.

**Буюртмачининг манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 68-уй

Тендер иштирокчилари ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакали мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Тошкент шаҳар, А. Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефон (факс):** 71-241-15-26, 71-241-15-37.

**Электрон манзил**: toshkonsaltingtorg@bk.ru

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклиф, (оферта) очилиши https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 68-уй.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» ИК

**томонидан киритилган қуйидаги объект бўйича**

## ҚАЙТА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| Т/р | Объект номи | Бошланғич қиймати (сўм, ҚҚС билан) | Қурилишни тугаллаш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, «Қумариқ» МФЙ, Сада кўчасида ИИББ ЙХХБнинг бино ва иншоотлари қурилиши | 18 667 635 579 сўм | 170 кун |

**Қурилиш ишларини молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Буюртмачининг манзили:** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Бектемир» МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакали мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Тошкент шаҳар, А. Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефон (факс):** 71-241-15-26, 71-241-15-37.

**Электрон манзил**: toshkonsaltingtorg@bk.ru

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклиф, (оферта) очилиши https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Бектемир» МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

## «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

**оммавий савдоларга таклиф этади!**

«Ўзбекистон почтаси» АЖ Сурхондарё вилояти филиалининг 2020 йил 27 августдаги 42-15/737-сонли буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан дастлабки таклиф баҳосида оммавий савдоларда сотувга қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. **Дастлабки таклиф баҳоси** – 25 713 988 (йигирма беш миллион етти юз ўн уч минг тўққиз юз саксон саккиз) сўм бўлган Олтинсой тумани, А. Бўтаев маҳалласида жойлашган **умумий ер майдони** – 74,27 квадрат метр бўлган «Корлик» почта алоқа тармоғи «Жиндибулоқ» алоқа бўлими биноси.
2. **Дастлабки таклиф баҳоси** – 27 777 965 (йигирма етти миллион етти юз етмиш етти минг тўққиз юз олтмиш беш) сўм бўлган Шеробод тумани, Хўжакия маҳалласида жойлашган **умумий ер майдони** – 110,44 квадрат метр бўлган «№044 Хужакия» алоқа бўлими биноси.
3. **Дастлабки таклиф баҳоси** – 25 803 731 (йигирма беш миллион саккиз юз уч минг етти юз ўттиз бир) сўм бўлган Қизириқ тумани, Шодлик маҳалласида жойлашган умумий ер майдони – 14,04 квадрат метр бўлган ҳожатхона биноси.
4. **Дастлабки таклиф баҳоси** – 16 800 000 (ўн олти миллион саккиз юз минг) сўм бўлган Шеробод тумани, Мустақиллик кўчасида жойлашган **умумий ер майдони** – 183,0 квадрат метр бўлган Шеробод ПАБ маъмурий биносининг бир қисми ёрдамчи биноси.

Юқоридаги объектларнинг сотилиши юзасидан музокаралар хабарнома матбуотда эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 га қадар ўтказилади. Талабгорлардан акцепт аризаларини қабул қилиш дастлабки акцепт аризаси берилган куни, соат 16.00 да тўхтатилади.

Мазкур объектлар бўйича музокараларда иштирок этиш учун бир кунда икки ва ундан ортиқ талабгорлардан акцепт аризалари тақдим этилганда, «Сотувчи» – мулк эгаси томонидан ўз акцепт аризасида энг юқори нархни энг қисқа муддатда тўлашни таклиф этган талабгорни ғолиб деб топади.

Савдо ғолибларига савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 иш куни ичида сотувчи билан ўрнатилган тартибда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

**Маълумотларни олиш ва акцепт аризаларни топшириш учун манзил:** Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 19-уй.

**Телефон:** (76) 223-15-82.

**Электрон почта манзили:** user100@inbox.uz.

**Расмий веб сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1053.
2121 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Б. Гулямов.
ЎзА якуни – 21.50. Топширилди – 23.55.

## Архитектура ва қурилишга оид

# ЎЗБЕК ТИЛИ

## тарихий бойлигини сақлайлик

**Ўзбек диёрининг ҳар бир бурчаги заминида минг йиллар муқаддам архитектура – меъморчилик санъати ва қурилиш йўналишидаги тарихимизни бойитувчи ёдгорликларни бунёд этган моҳир усталарни касбий сўзлар хазинасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва хозирги замонавий ўзбек тили атамалари луғатини бойитиш, дарҳақиқат, давр талаби эканлигини англаш катта аҳамиятга эга.**

Жаҳон архитектурасида пешқадам ўринларни эгаллаган ўзбек меъморларининг яратган тарихий ёдгорликлари ўзбек тилидаги қурилиш ва архитектура атамалари захирасининг бойлигидан дарак беради.

Самарқандаги Бибихоним, Шоҳи-Зинда, Шердор мадрасаси, Бухоро хижратлари, Хива ва Шаҳрисабздаги бетакрор архитектура ёдгорликлари дунё мутахассислари ва сайёҳларини ҳайратга солмоқда. Барча билиши лозим бўлган жиҳат шуки, Она тили шунчаки сўзлашув воситасигина эмас, балки Ватанга муҳаббат, миллий ифтихор, аждодларга ҳурмат ва шунинг баробарида авлодларимизга иззат рамзи ҳамдир.

Фарзандларимизнинг буюк аждодларимиз сингари оламга машҳур инсонлар бўлиб етишмоғини чин юракдан истаймиз. Уларнинг ёрқин келажаги йўлида ҳар қандай мушкулотларга кўксимизни тутамиз.

Оламшумул мақсадлар йўлидаги бу уринишлар балки маълум маънода ўзини оқлар, аммо ўз она тилини мукаммал қойиллатиб ўрганмаган, таъбир жоиз бўлса, сўзларимиз сеҳрини ҳис қилмаган, ўзаро айтиб турган гапининг тенг ярмини эса бошқа тилдаги «олифта сўзлар» эгаллаган ёшларнинг ютуқлари бизнинг миллий равнақимизга улуш бўлиб қўшила олармикан?!

Ўзбек тили нафақат атамалар солномаси, шунингдек, у Сўз қудрати ҳамдир. Бир оғиз сўз билан кимгадир қанот бағишлайсиз ёки шу сўзни бошқача талқин қилиб унинг орзу қанотини синдирасиз. Бу борада Имом Ғаззолийнинг «Тил офатлари» китобида «тил таълим-тарбия фалсафасидир» дейилади. Бундан сўзлашдан аввал ўйлаш, фикрлаш ва меҳр ила мазмун бериб суҳбат қуриш, ўзаро муаммоларни осон ечиши англашилади. Шунингдек, Ғаззолий одамлар орасидаги муносабатни бузувчи сўзларни салмоғига қараб гуруҳларга бўлди ва инсон ҳаётининг мазмуни мезонлар йўналишини гўзал тарзда очиб берди.

Сўз катта куч, одамлар соғлигини бошқарувчи ва билим сари етакловчи қудратли воситадир.

Дунёда ҳар хил тилда сўзловчи халқлар кўп. Ҳамма адолатли ва яхши сўзларни эшитишни истайди. Имом Бухорийнинг «тил яхшиликка ёки ҳалокатга бошлайди. Мен айтган сўзимнинг қулиман, айтмаган сўзимнинг эса шоҳиман. Демак, тилни ақл бошқарувида оғиз бўшлиғида сақлаш керак» деган сўзлар таълим-тарбияда сўзлаш маданиятини мукаммал ўзлаштириб олишимиз зарурлигини яна бир бор ёдга солади.

Тарихда ўзбек захираси, яъни қурилиш ва архитектура ёдгорликларига бой ўлканинг миллий атамалари бойлиги ҳам беқиёсдир. Мана шундай қурилиш ва архитектура атамаларига бой захирага эга бўлган ўзбек тили сўзлари бўла туриб, мустабид даврида ўрганиб қолган атамаларни ўқувчиларимизга ўргатсак тўғри бўлармикан?!

Республикамиз амалиётида қўлланилган архитектура ва қурилиш технологияси ўзига хос узоқ тарихга эга. Мана йиллар давомида ўлкамиз тарихини бойитишда Суғдиёна, Бақтрия, Хоразмдаги беқиёс ёдгорликлар бунга далилдир. Бунга мисол қилиб, бир кичик ривоятни ёритишни лозим топдим:

Пардозлаш ишларида донғи кетган моҳир икки уста ўзаро баҳслашаётганида бир бадавлат одам улардан, баҳс сабабини сўрабди. «Мен ундан кўра энг зўр устаман» деса, иккинчиси ўзини бинони пардозлашда ихтиро этган янги усулларини мақтабди. Шунда бой, уйимнинг бир хонасини таъмирлаш керак, икковингиз ҳам мен билан юринг, деб хонани кўрсатибди. Пардозчи икки уста уйни ўртасидан парда тортиб, ишни бошлашибди. Устани бири хонани сувоқ нақшли безак бериб пардозлабди. Иккинчиси уста эса ўймакорликдаги моҳирлигини амалда кўрсатибди. Таъмирлаш ишлари батафсил бажарилгандан кейин, бой пардани олиб ажабланиб, усталар маҳоратига тассанолар айтибди ва икки уста ишига юқори баҳо бериб уларни рози қилибди. Хона деворларига қараса, унинг барча юзаси моҳирона безак берилган ўймакорни иши эканлигини кўрибди. Аслида, ганчкор уста девор юзасини шунчалик силлиқлаб, сайқал бериб ялтиратибдики, унинг юзида хонанинг иккинчи томонидаги ўймакор безак нақшининг акси кўринибди.

Тарихимиз бундай моҳирона усталарга бой экан, биз қурилиш ва архитектура атамалар захирасидан оқилона фойдаланишимиз ва ҳозирги ўзбек тилини бойиши ва унинг софланишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Тарихимиз солномасини бойитган ва уларни яратишда қўлланилган бой ўзбек атамалари қаддини ростлай бошлади. 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши халқимизнинг асрий орзуларидан бирини рўёбга чиқарган бўлса, соҳа олимларининг олдига ҳам бир талай вазифаларни қўйганди. Улардан бири – Она тилимизнинг софлигини сақлаш ва уни бойитишдан иборат.

«Ўзаро алоқаларнинг кенгайиши тилни бойитади» деган эди, буюк файласуф Демокрит. Айниқса хозирги кунда алоқалар тез суратларда кенгайгани сари она тилимиз янги сўз ва атамалар ҳисобига бойиб бормоқда.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жарангдор ва минг йиллик тарихга бой бўлган она тилимизда БМТда сўзлаган маърузаси барчамизни фахрлантирди.

Ўзбек тилини дунё тиллари ичида нуфузли ўринни эгаллаётгани ва уни янада бойитишга йўналтирилган концепцияда таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш каби долзарб муаммоларни ечимини топиш зарурлиги айтилган.

Собиқ Рус империяси сиёсати минглаб ўзбек атамаларини халқимиз онгидан сиқиб чиқаришга эришди. Энди асл, ноёб ўзбек атамаларини излаш ва илмий томондан асослаш, халқимиз онгига сингдириш давлат сиёсати эканлигини ҳис этган ҳолда биз архитектура ва қурилиш йўналишидаги асарларимизда тилимиз бойлигини янада оширишга юқори маъсулиятли вазифа сифатида ёндошишимиз зарур. Ўзбек тили халқаро дипломатия тизимидан жой олди. Бундан минг йиллар олдин ўзбек қурувчи усталари яратган сифатли қурилиш ашёларидан қад кўтарган бино-иншоотлар архитектура ва қурилиш йўналишидаги атамаларга қанчалик бой тилга эга эканимиз исботидир.

Шунингдек, қадимда ота-боболаримиз қурилиш техникасидан яхши хабардор бўлишлари баробарида, бошқа халқлар тажрибасини хам пухта ўзлаштирганликларидан далолат беради. Ўтмишда аждодларимиз қурган осмонўпар миноралар, минг йиллар наридан бизгача етиб келган барча қурилиш ашёлари, Шаҳрисабздаги Оқсарой ва унинг томига қурилган ҳовуз конструкциялари ҳатто Ғарб қурувчи ва олимларини ҳам ҳайратга солган ва солмоқда. Шундай экан, техника соҳасидаги тарихий атамалар билан кенг омма таништирилса ва ҳозирги айрим байналминал атамаларнинг ўрнида ишлатсак, қурилишга доир тарихимизни ўрганиш қаторида у қанчалик бой эканлигидан ўқувчиларни хабардор қилган бўламиз. Президент Шавкат Мирзиёвнинг ўзбек тилини тарихий забардаст қудратини тиклаш ва уни бойитишга қаратилган Концепциядаги кўрсатмалари миллий тилимизни жаҳон халқлари орасида янада обрўйини оширади, жумладан:

– 2020 йил 1 июнга қадар қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олган 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури лойиҳаларини киритиш;

– мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

– давлат тили софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш кабилар фикримиз исботидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, техника атамаларини танлашда айнан архитектура ва қурилиш йўналишида асосий мезон қилиб ўзбек тилини олиш баробарида соҳада меҳнат қилаётган мутахассислар ва ўқувчиларга ҳар бир атама ва сўзнинг ўзидаёқ тушунарли бўлишини таъминлаш зарур эканлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Шу ўринда, таниқли ўзбек олимларининг техника йўналишидаги ҳақиқий ўзбек атамаларини бойитишда қилган ишларини алоҳида таъкидлаш керак. Жумладан, барча хомашёларни турли технологик жараёнларда қайта ишланиб олинган махсулотларни «ашё» деб аталиши кўпчилик олимлар томонидан тавсия этилган. Шунингдек, «строительные материалы» каби русча атамалар «қурилиш ашёлари» деб юритилиши Ўзбекистон стандартлари ва луғатларида ҳам қайд этилган.

Эндиликда «строительные материалы» каби русча атамалар «қурилиш ашёлари» деб юритилиши билан бир қаторда Ўзбекистон стандартлари ва луғатларида ҳам қайд этилган.

Жумладан, Ўзбекистон стандартлари – УзРСТ.3.1109-96 ва ҚМҚ-1.01.04-98, булардан ташқари яна 5 та – ЎзРСТ 686-96,743-96,760-96, 17177-94 ва 23464-04 ларда «қурилиш материал»лари эмас «қурилиш ашёлари» атамаси ишлатилган. Ушбу ҳужжатлар менинг 2000 йилдан кейинги нашрдан чиққан 41 та дарслик, ўқув қўлланма ва дастурлар ҳамда 5 та луғат ва юзлаб илмий-услубий мақолаларим учун дастуруламал бўлди.

«Материал» сўзини икки маънода тушунмоқ лозим. Биринчиси, ушбу атамани «ашё» маъносида ўзлаштириб олиш керак. Чунки, барча табиий хом ашёларни, қайта ишлаб олинган маҳсулотларни «ашё» деб аташ керак бўлади. Қолганларини эса «материал» деса бўлади. Масалан, полиграфия материаллари, сўроқ материаллари, ижодий материаллар ва ҳ.к. «Хомашё» – «Хом» эди, уни куйдирдик, майдаладик, кесиб пардозладик кейин у «пишди», «хом»лиги қолмади «ашё» бўлди. Бу атамани ҳамкасбларим ва аксарият талабалар билан обдон синчиклаб муҳокама қилганимда «ашё» сўзи тўғри ва осонгина тушунарли эканини таъкидлашди.

Фикримизча, «металл в строительстве», «металловедение», «металлические конструкции» сўзлари ҳам «темир ашёлари», «темиршунослик», «темир конструкциялар» деб аталса, илмий томондан тўғри бўлади. Металл деганда таркиби 5 фоиз темир моддаси бўлган тилла, алюмин, бронза каби бир моддадан ташкил топган бўлиши керак. Темирда эса металл миқдори 5 фоиздан ошмаслиги керак.

Шу ўринда бир мулоҳаза. «Темирчи» устани «металлчи» уста деб бўлмайди. Албатта, «металл» атамаси халқ орасида кўп ишлатиладиган сўз. Барча қомус ва луғатларда темирни «металл», металлни эса «темир» деб ўқувчини чалғитишга йўл қўйяпмиз. Техникага доир адабиётлар, радио ва телевидениедаги эълон ва рекламаларда ҳам кўплаб нотўғри атамалар ишлатиладики, уларни эшитиб таажжубланасан, киши.

Республикадаги барча архитектура ва қурилиш йўналишида ўқиётган талабалар, касб-ҳунар ўқувчилари асосан биринчи марта ўзбек тилида ёзилган китобларимдан сабоқ олмоқдалар. Бу ерда нафақат «ашё» атамаси, қолаверса «темирни» ноўрин жумлаларда «металл» деб аталиши, «сопол»ни «керамика», «тупроқ»ни «грунт», «иссиқликни кам ўтказадиган ашё»ларни «иссиқлик изоляция материаллари» каби чалкаш атамалар ўқувчини фанни ўзлаштиришида чалғитади. Куллиётми, факультетми, олийгоҳми ёки институтми, инженерми ёки муҳандис каби атамалар ҳам саралаш жараёнида эканлиги бизга маълум.

Ахир ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 31 йил тўлди. Энди у нафақат таржима ёки атамалар байрами, шунингдек, ўзбек тили одоби, таълим-тарбия байрами мақомини олди. Мутахассислар ва омма ичида кўп сараланади, натижада бу ўзбек тилини яна бойиши ва софланишига олиб келади.

**Эркин ҚОСИМОВ,**
**техника фанлари доктори,**
**профессор,**
**Ўзбекистон фан арбоби,**
**Халқаро муҳандислар**
**академияси мухбир аъзоси.**




### Она тилим

*Она тилим, айтгил сени қандай севай,*
*Бешикдаги боладай ё гулдай севай,*
*Юлдузлари порлаган бир тундай севай,*
*Юрагимга зиё солган нурдай севай.*

*Она тилим, Онамдайин қадрдонсан,*
*Йўргагимдан меҳр берган жонга жонсан.*
*Тилим чиқиб илк бор айтган сўзларимни*
*Кўзда ёш-ла кулиб туриб кузатгансан.*

*Юрагимга аллаларни етказган сен,*
*Ширин сўз-ла андуҳларим кетказган сен,*
*Меҳр, соғинч туйғуларин узатган сен,*
*Остонадан олисларга кузатган сен.*

*Навоийнинг ғазалида ҳазин бўлган,*
*Бобур Мирзо шеърларида маҳзун бўлган,*
*Олам каби юрагимдан англаганим,*
*Бугун жаҳон айвонида янграганим.*

*Она тилим, мудом сени шундай севай,*
*Бешикдаги боладай ё гулдай севай,*
*Вужудимни чўлғаб олган бахтим ўзинг,*
*Она халқим ясаб берган Тахтим ўзинг!*

**Райҳон ТАНИҚУЛОВА,**
**Сергели туманидаги 268-мактабнинг**
**Она тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

**Ҳозирги кунда Ер юзида 7 мингдан зиёд тил мавжуд бўлса, уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. Шулар орасида Она тилимизнинг борлигидан қанча ғururлансак, шунча кам. Собиқ иттифоқ ҳукмронлиги даврида – 1989 йилнинг 21 октябрида «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва унинг 1-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деб, белгилаб қўйилиши мамлакатимиз мустақиллиги сари қўйилган биринчи ва муҳим қадамлардан бири сифатида баҳоланади.**

# Дунё минбаридан янграган тилим

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун ўзбек тилининг мавқеини мустаҳкамлаш ва уни ҳуқуқий муҳофазага олиш билан бирга миллатларнинг ўзаро тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш тамойилига асослангани билан аҳамиятлидир. Қонуннинг 24-моддасида «Ўзбекистон Республикасида давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш таъқиқланади. Фуқароларнинг ўзаро муомала, тарбия ва таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар».

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлатимиз томонидан қонун билан очиқ-ойдин кўрсатиб қўйилишига қарамасдан, унинг ижросини таъминлашда ҳалигача камчиликларимиз кўп. Бунга, аввало, бепарволигимиз сабаб бўлмоқда. Масалан, оилада кундалик мулоқотимизда фарзандларимизга она тилимизнинг гўзал каломларини ўргатмасдан, бошқа тиллардаги сўзларни ҳеч иккиланмай айтамиз. Кўпинча буни шу ҳолатга ўрганиб қолганимиз билан изоҳлаймиз. Лекин фарзандларимиз-чи, улар ҳам энди шунга «ўрганиб» қолиши керакми?

Кўчага чиқамиз, катта-кичик бинолар пештоқидаги ёзувларнинг аксарияти хорижий тилларда ёзилган. Ёки айрим давлат идоралари, хизмат кўрсатиш корхоналарига кирсак, бу жойларда ҳам кўпгина маълумотлар бошқа тилларда эканини кўрамиз. Катта-катта супермаркетлардаги нархнома, қўлингизга тутқазиладиган чек ҳам ўзга тилда. Лекин ҳеч биримиз нега бу ёзувлар давлат тилида эмас, деб сўрамаймиз. Ваҳоланки, Қонунга кўра, географик объектларнинг номлари давлат тилида акс эттирилади (22-модда). Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилиши, эълон қилиниши ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкинлиги белгиланган.

Бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар ўзаро иноқ, тотувликда яшамоқда. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб боriляпти. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, 10 дан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этиляпти. Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантиришда 137 та миллий маданият марказлари, 34 та дўстлик жамиятлари фаолият юритади.

Таъкидлаш лозимки, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун ўзбек тилининг ва Ўзбекистонда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари тилларининг амалда бўлиш мақомини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатласа, иккинчи томондан эса, ҳар йили тил байрами арафасида жамоатчилик эътиборини тил масалаларига қаратишга имкон яратади.

Кейинги йилларда ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, давлат тили масаласига эътиборнинг кучайтирилиши халқимиз дилидаги истакларининг бири бўлди. Бугун халқаро майдонда дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадрият сифатида баҳоланмоқда.

Айни янгиланишлар ва ўзгаришлар баробарида, биринчи навбатда, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалга оширилаётгани диққатга сазовордир.

Жумладан, 2019 йилнинг 4 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилиниши бу борадаги ишларнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Айни йўналишда, кейинги йилларда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани она тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди.

Шунингдек, мамлакатимизда янгидан ташкил этилиб, фаолият кўрсатаётган Муҳаммад Ризо Огаҳий, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида она тилига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиши, шунингдек, барча таълим муассасаларида тил байрамига бағишланган адабий-маърифий кечалар ҳамда янги китоблар тақдимотлари ташкил қилиш ишларининг йўлга қўйилгани ҳам айни йўналишдаги фаолият самарадорлигини таъминлашга қаратилган ишлардандир.

Бугун давлатимиз Янги Ўзбекистон – «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» тамойили асосида тараққиётнинг янги – 3-ренессанс даврига қадам қўймоқда. Айни жараёнга келиб, она тилимиз мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларида – халқаро минбарлардан бaralla янграмоқда. Жорий йилнинг 23 сентябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида мамлакатимиз тарихида илк бор Давлат тилида баёнот қилиши, юқоридаги фикримизга ёрқин мисолдир.

Яна саноқли кунлардан кейин Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз бир йиллигини кенг нишонлаймиз.

Ушбу сана муносабати билан Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида ҳам ўзбек ва қорақалпоқ тилига Давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар шу жумладан, туркий тилли хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда «Глобаллашув даврида ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг мавқеи» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳамда «Қорақалпоғистонда тилшуносликнинг долзарб масалалари: муаммолар ва ечимлар» мавзусида республика конференциясини ўтказиш учун қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Буюк мутаффакир Алишер Навоийнинг «Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз» деган ҳикматли сўзи бор. Шундай экан, Давлат тили сифатида ўзбек ҳамда қорақалпоқ тилларининг гуллаб-яшнаши, ривожланиши ва кенг тараққий этиши, энг аввало, бугунги кунда таълим-тарбия масканларининг барча бўғинларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар, устоз-мураббийларнинг фидоийлигига боғлиқдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ижтимоий ҳаётимизда давлат тили билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун аввало, барча юртдошларимиздан она тилимизга бўлган ҳурмат ва эътиборни янгича ёндашувлар асосида ташкил этишимиз талаб қилинади.

Атамалар халқ орасида ҳар хил сўзлар билан ишлатилиши мумкин. Бу қонун билан чегараланмаган. Аммо, бундай атамаларга ўрганиб қолганмиз деб минг йиллар давомида ота-боболаримиз ишлатиб келган атамаларни қўлламаслик она тилимизга бўлган меҳрни йўқотганимиздан дарак беради.

**Қувондиқ ҚОДИРОВ,**
**Ажиниёз номидаги Нукус давлат**
**педагогика институти**
**Ёшлар билан ишлаш бўйича**
**проректори.**